



АРИПОВА Зухра Джахангировна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси профессори в.б.,
тарих фанлари доктори (DSc)
E-mail: aripova.zuxra@mail.ru.

МИСР МАМЛУКЛАРИ ДАВРИДА БАҒРИКЕНГЛИК

ТОЛЕРАНТНОСТЬ В ЭПОХУ ЕГИПЕТСКИХ МАМЛЮКОВ

TOLERANCE DURING THE EGYPTIAN MAMLUKS

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Мисрнинг мамлук султонлари ҳукмронлиги даврида яҳудий ва христианларнинг турмуш тарзи ҳақидаги гарб ва шарқ шарқиуносларининг қарашлари, уларнинг суд ва солиқ тизими ўрганиб чиқилган. Мамлукларнинг келтирилиши, қора қулар билан фарқли жиҳати, мамлуклар орасида нафақат туркийлар, балки европалик болалар ҳам бўлганлиги, улар ҳарбий мактабда аскар сифатидагина тарбияланмай, араб тили ва ислом илмларидан ҳам таълим олганликлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Миср, мамлук, яҳудий, христиан, султон, суд, солиқ

Аннотация. В данной научной статье исследуются взгляды западных и восточных ориенталистов на образ жизни евреев и христиан во времена правления мамлюкских султанов в Египте, а также изучается система суда и налогообложения. Рассматриваются особенности привлечения мамлюков, отличия от черных рабов, наличие среди мамлюков не только турецких, но и европейских детей, которые обучались не только военному делу в военных школах, но и получали образование в области арабского языка и исламских наук.

Ключевые слова: Египет, мамлюк, еврей, христианин, султан, суд, налог.

Abstract. This scientific article examines the perspectives of Western and Eastern Orientalists on

the lifestyles of Jews and Christians during the rule of the Mamluk Sultans in Egypt, as well as explores the judicial and tax systems. The peculiarities of recruiting Mamluks, the differences from black slaves, and the presence among the Mamluks of not only Turkish but also European children, who were educated not only in military affairs at a military school but also received education in Arabic language and Islamic sciences, are discussed.

Key words: Egypt, Mamluk, Jew, Christian, Sultan, court, tax

КИРИШ

Тарихий жараёнлардан маълумки, ислом дини ўзининг илк давридан бошлаб бошқа дин ва уларнинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатган. Бу дин ўзидан олдинги динларни эҳтиром қилиш билангина чекланиб қолмай, ўша дин аҳллари билан бағрикенглик тамойиллари билан ҳурматлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний жиҳатдан ҳимоялаган. Шу сабабли ҳам бир неча асрлардан буён бу қондаларга амал қилиб яшаган мусулмонлар ораларида яшайдиган аҳли зиммага бағрикенглик кўрсатиб, бутун инсониятга ўрнак бўлдилар. Давлатни адолатли бошқариб, ҳамма дин вакиллари билан тинч-тотув яшаган сулолалардан бири мамлуклар сулоласи ҳисобланади. Улар ҳаттоки, нафақат сиёсий ва ижтимоий, балки диний томондан ҳам Мисрда ўзгариш қила олган ҳукмронлар сифатида қаралади. Бу тарихий жараёнларни ўрганиш ҳозирги кунда долзарб мавзулардан саналади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлуклар синфини шакллантиришда шариат қондаларига мувофиқ қулик мақоми ҳамда оқ танли ирқдан келиб чиқиши муҳим мезон сифатида талаб этилган. Бунда асосан мамлуклар Ўрта Осиё даштларидан келиб чиққан, умуман туркийлар ҳамда кавказликлардан ташкил топган. Эфиопиялик, Ғарбий Африкаликлар, ҳинд каби қора танли қулар мамлуклар таркибига киритилмаган [1; 2]. Шу билан бирга Европа минтақаларидан ҳам кўпгина болалар ҳам бўлган. Яқин Шарқ минтақасидаги кўплаб тарихий ҳодисалар Мисрда мамлук ҳукмронлиги даври билан боғлиқдир. Чунки улар катта ҳудудни

бирлаштирган ҳукмдорлар сифатида эътироф этилган.

Шу сабабли бу даврдаги оддий куллардан чиққан лашкарбоши мамлуклар ҳукмронлиги ҳақидаги маълумотлар ўрта аср Ғарб сайёҳлари ва олимларни хайрон қолдирган. Испаниялик сайёҳ Кастилия Перо Тафур (тахминан 1405-1410- 1484) нинг денгиз саёҳати 1436 йил ноябридан 1439 йил майигача давом этган ва ўша давр учун нихоятда кенг ҳудудларни қамраб олган. Йўлда Марокаш, Флоренция, Венеция, Кипр, Миср, Ливан, Византия, Швейцария, Австрия, Венгрия, Сицилия (Арагон) каби шаҳарларда бўлган. У Мисрга Султон Барсбай даврида (1422-38) ташриф буюрган бўлиб, насроний савдогарлар томонидан Мисрга олиб келинган болалар нақд пулга сотиб юборилгач, янги сотиб олинган кулларни ислом динига киргизиб, уларга ислом дини таълимотлари ва ҳарбий санъати ўргатилишининг шоҳиди бўлгани ҳақида ҳикоя қилиб берган. Фақат уларнинг сафларидан султон ёки амир етишиб чиқиши мумкинлиги сайёҳларда кизиқиш уйғотган [9;11]. Мюнхенлик Ганс Шильтбергер Султон Фараж (1402-1412) ҳукмронлиги даврида Мисрга ташриф буюрган бўлиб, у Қоҳира ҳақидаги таассуротларини ёза туриб, мамлук султонларини “агар қул сифатида сотиб олиниб, қоида бўйича озод қилинмаган бўлса, унинг султон даражасига кўтарилиши амри маҳол эди”, – деб ёзган [11; 87]. Бу тузум мамлуклар ҳокимиятини мустаҳкам тарзда бир неча асрлар давомида ҳукм суришига имкон берган.

Сайёҳлар орасида мамлукларнинг салибчиларга қарши курашда мағлубиятга учрашлари учун фитналар уюштиришда иштирок этган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай сайёҳлардан бири – Мўғулистон пойтахти Хонбалиқда насроний руҳонийси оиласида туғилган Раббан Саумадир. У тахминан 1278 йилда ўз шогирди Марк билан бирга Қуддусга борган. Бу орада 1284 йилда тахтга ўтирган Арғунхон Сурияда мамлукларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида Папа ва Европанинг христиан ҳукмдорлари билан иттифоқ тузишга қарор қилади. У Европадаги элчихоналар христианларга муҳтож бўлгани

сабабли, унинг шогирди Марк Ябалаха III номи остида янги сайланган патриархнинг маслаҳати билан Римдаги элчиси сифатида кекса уйғур Раббан Саумани танлайди. Бунинг сабаби унинг вазифаси салибчилар билан бирлашиб, мамлукларга қарши курашиш бўйича келишувларга эришишдан иборат бўлган, кўринади. У ва бошқа баъзи сайёҳлар салибчилар билан курашда мисрликлар кетма-кет ғалаба қозонганлари боис, уларга нисбатан қайта-қайта фитналар уюштиришган, лекин барча уринишлар зое кетган.

Кўпгина ўрта аср манбаларида Султон Қутуз, Бейбарс ва Қаловунларнинг салибчиларга қарши мардонавор курашганлари ҳақидаги маълумотлар бўлган. Албатта, бу курашларда мамлук султонларининг салибчилар устидан қозонилган ғалабаси ғарбликларга ёкмагани, табиий ҳолдир. Шу сабабли ўтган аср ва ҳозирги замон баъзи тадқиқотчилари ҳам мамлуклар даври тарихини ёритиш баробарида, уларни танқид қилган ҳолатлари учрайди.

С.Д.Гойтейн мамлуклар ҳокимиятини “аскар кастаси” деб атаб, “уларнинг ҳукмронлигини Ўрта ер денгизи минтақаси учун ғайритабиий ҳолат деб тасвирлаб, мамлуклар Шарқ ва Ғарб ўртасини бирлаштирмай, бўлишиб, Ўрта ер денгизидан юз ўгиришди ва шу пайтдан бошлаб минтақа доимий таназзулга учради” – деб таъриф берган [5; 38]. Таниқли тарихшунос Э.Аштор ҳам ўзининг мамлуклар ҳукмронлиги даврида Миср ва Сурия яҳудийлари тарихига бағишланган мақоласида ҳам Гойтейннинг бу фикрларини тасдиқлайди [2;147-166]. Яҳудий тарихини сургун шароитида қандай ёзиш керак, деган масалада икки хил қараш мавжуд. Биринчи қарашга кўра, сургундаги араб ва европаларнинг яҳудий тарихи – бу мутлақо турли муҳитда бўлганлиги сабабли умумий жиҳатлари бўлмаган икки параллел жараён дейилса, иккинчи қараш тарафдорлари эса ягона яҳудий тарихи мавжуд ва уни ўз динига ва кўпчилик маданиятида мустақил миллий ҳаёт кечириш истаги билан бирлаштирилган ягона бутунлик сифатида ўрганиш керак, деб ҳисоблашади. Э.Аштор айнан шу қарашни қўллаб-қувватлаб, яҳудий ва араб-мусулмон тарихи параллел ривожланган, деб таъкидлаган [3; 55].

Ал-Ваққод Э.Аштор тезислари билан яхудийларнинг Султонликда маъмурий лавозимларни эгаллашини таъқиқлаш ҳақидаги фикри бўйича баҳс юритади. У яхудийларнинг султонлар саройида муҳим бўгин бўлиб, сарой табиблари, таржимонлари лавозимларини эгаллаганликлари, девонлар ва зарбхонани бошқарганликларини таъкидлайди. Муаллиф, шунингдек, мамлуклар султонлари томонидан киритилган кўплаб уларнинг ҳуқуқларини чеклашга доир қонунлари аслида амалга оширилмагани ёки кейинчалик бекор қилинганлиги ҳақида ёзади. Мамлук султонларининг яхудийларни мусулмонлар билан тенг равишда жамиятга жалб қилишдан манфаатдорлиги ҳам муҳим омил ҳисобланган. Мамлук султонлари яхудийларга шайхлик унвонини олишга рухсат берганлар. Мусулмон исмлари ва унвонларини ишлатиш ҳуқуқи яхудийларнинг Миср жамиятига интеграциялашувини ва ундаги муносиб ўрнини кўрсатади [4; 82-83].

Мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолининг шаҳар ҳаётидаги биргаликдаги амалиётлари: биргаликдаги байрамлар, умумий муаммоларни бошдан кечириш амалиётлари, жамоат ишлари, масалан, дарёларни сақлаш, каналлар қазिश, кўприклар қуриш каби жараёнларда намоён бўлади [4; 100]. Ал-Ваққоднинг тадқиқотлари европалик шарқшуносларнинг яхудий жамиятининг яққаланиши, унинг эзилган мавқеи сифатида тавсифланишига қарши қарашлари билан йўғрилган.

969 йилда Мисрни босиб олган Фотимий, кейинроқ Айюбий (1171-1250), Мамлук (1250-1517) сулолалари даврида яхудий ва христианларнинг турмуш тарзи яхши бўлган. Камдан-кам истиснолардан ташқари, бу сулолаларнинг ҳукмдорлари диний бағрикенглик билан ажралиб турарди. Мисрлик яхудийлар Исроилдаги диндошларига иқтисодий томондан кўмак бера олган. Бу даврда Мисрга бошқа мамлакатлардан иқтисодий ҳолатнинг яхшилиги боис, кўп минтақалардан ўз илмларини ривожлантириш учун олимлар келиб жойлашдилар. Улар орасида Маймонидлар ҳам бор эди. Шу билан бир қаторда мамлук султонлари олимларни

мавқеини кўтариб, яхши шарт-шароит ҳам яратиб беришган.

Мамлуклар жамиятини энг асосий кишиларидан бири диний томондан ахлоқни назорат қилувчи – мухтасиб ҳисобланган. Динийликни мужассам қилган бу лавозим қозига яқин бўлган. Баъзи манбаларда келтирилишича, қози ва мухтасиб лавозимини бир одам эгаллаган. Мисрдаги мамлуклар даврида учта – Қоҳира мухтасиби, Миср мухтасиби ва Искандария мухтасиблари тайинланган. Қоҳира мухтасиби Қуйи Мисрдаги ўз ёрдамчилари ишларини, Миср мухтасиби эса, Юқори Мисрни назорат қилган. Шомнинг ҳар бир вилоятларида биттадан мухтасиб бўлган [14; 89]. Бу албатта, ҳар бир дин вакилига эҳтиром намунаси ҳисобланади.

Мухтасибнинг асосий вазифаси аҳоли орасида ислом арконларини ва шариатини бузганларни жазолашдан иборат эди. Шунингдек, савдо- сотикдаги фирибгарликка қарши курашиш ҳам уларнинг вазифасига кирган. Шунинг учун баъзида мухтасиб ҳаракати оддий бозор назоратига ўхшаб кетарди [6; 4]. У тарозлар тўғри ёки нотўғрилигини текширар, нарсаларнинг баҳоси, тури, тозаллиги, сифатига эътибор қаратарди. Мухтасиб мусулмон бўлмаганлар, яъни аҳл аз-зимманинг ўз қоидаларига риоя қилаётганларига ҳам эътиборни қаратган. Уларнинг кийимларида мусулмон ва христиан ёки яхудийларни ажратиш кўрсатувчи белгилари бўлган, масалан, христианларнинг бош кийими кўк рангда, яхудийларники сарик, номусулмон аёллар зуннар кийишлари керак эди [7; 120]. Бу аҳоли орасида қайси динга эътиқод қилувчиларни аниқлашда қўл келган.

Ҳар бир номусулмон аҳоли ўзларининг диний муассасалари ихтиёрида бўлганлар. Бу даврда суд тизими қаттиқ интизомли характерга эга бўлиб, номусулмонлар мамлуклар мусулмонларга қарши гувоҳлик бериш ҳуқуқига эга бўлмаган. Мисрнинг номусулмон аҳолисини эшитувчи суд муассасаси ўзи ҳам мавжуд эмасди.

Мисрда яхудий жамоаси аъзолари, яъни кароимлар ва самаритлар яхудийлар бошлиғи бўлган - раис ал-Йахуд деб аталувчи судга

караган. Баъзида самаритларнинг алоҳида раҳбарлари ҳақида эслатиб ўтилади [10; 102]. Шом вилоятларида диний ва суд ҳокимиятини яҳудий жамоаси аъзоларига яҳудийлар, Дамашқда кароимлар ва Наблусда самаритлар раҳбари амалга оширган [10; 109].

Бу даврда Исроилдаги яҳудийларнинг аҳволи ҳақида жуда кам маълумот бўлиб, асосан замондошларнинг хатлари ва саёҳатларидан олинган. Ушбу манбаларга кўра, мамлакатда бор-йўғи 15 яҳудий жамоалари мавжуд эди: Куддусда, Митспада, Лодда, Рамлада, Хевронда, Ғазада, Сафедда, Бет Шеан ва Гуш Халавада, шунингдек Трансжорданиянинг баъзи жойларида.

Бу жойларда яҳудийларнинг сони маҳаллий шароит миқёсига қараб ўзгариб турарди. Энг йирик жамоалар Сафед (300 оила) ва Куддус (250 оила) бўлган. Аксарият яҳудийлар савдо, хунармандчилик билан шуғулланган. Улар орасида заргарлар, ипак мато ишлаб чиқарувчи тўкувчилар ҳам бўлган. Тўкин ҳаёт учун барча оила аъзолари бирон бир юмуш билан банд бўлиб, Кўпинча хотинлар ясаган товарларни, эрлари сотган. Савдогарлар бутун ҳафта давомида кишлоқларни кезиб, олиб келган товарларини сотишган ва фақатгин шанба кuni уйларида қайтишган.

Христианлар ҳам ўз диний йўналишлари судига бўйсунган. Суд ваколати православ христианлар қўлида, яъни мелкийлар бошқарадиган патриарх христиан православ церковида бўлган. Қиптийларни Якобий Қиптий церковининг патриархи суд қилган. Дамашқда ҳам патриархлик бўлиб, улар Якобий церкови патриархи ва мелкий христиан патриархларидир. Уларнинг иккиси ҳам Қохирадаги патриархлар томонидан маъқул кўрилгач, султон томонидан тайинланган [13; 383]. Христианларга ҳам ўз эътиқодлари билан шуғулланишларига қаршилик кўрсатилмаган.

Мамлакат номусулмон аҳолиси мусулмон бўлмаган аҳолидан жон боши ҳисобидан олинувчи – жизья солиғи тўласа, ал-Мақризий даврида ғайримуслим аҳоли “жаволи” деб аталувчи солиқ ҳам тўлган [8; 173]. Олтин динор ўрнига унга тенг миқдордаги кумуш дирҳам (дирҳам 3,13 граммга тенг кумуш танга, вазн

ўлчовининг 3,125гр.) лар ҳам бўлган. Жаволи солиғи ой тақвими бўйича ҳижрий йил бошида олинган. Ҳаёт учун бериладиган солиқни ҳамма яҳудийлар, христианлар, зардўштийлар балоғат ёшига етган эркак жинси вакиллари тўлашлари шарт эди. Бу солиқ тўловларидан болалар, аёллар, ақли заифлар озод бўлган. Султон Абу Носир Шайх Маҳмудий (1412-1421) даврида жаволий тўловчилар ҳисоби, жаволийнинг умумий миқдори 11400 динордан иборат эканлигини кўрсатган [12; 106-107]. Жон бошидан олинадиган солиқ ишлари билан дивон ал-жаволи шуғулланиб, у мамлуклар давлати ниҳоясигача фаолият олиб борган. Султон девон бошлиғи – нозир ал-жаволини, шунингдек христиан ва яҳудий амалдорларни ҳам тайинлаган. Бу шунга далолат қиладикки, бу солиқ турларини йиғувчи вакиллар ҳам ўз динига мансуб одамлардан тайинланган.

ХУЛОСА

Демак, мамлукларни аскар сифатида танлаш ва тайёрлаш профессионал тарзда амалга оширилган. Мамлакатда ёшлигида сотиб олинган мамлуклар жиддий ва тизимли тайёргарлик натижасида армияга жалб қилинган. Бу аскарлар қўшиннинг энг муҳим зарба берувчи кучини ташкил қилган. Мамлукларда араб, туркман, хоразмликлар ва курд миллатига мансуб мамлуклар ҳалқаси етакчи мавкега эга бўлиб, мамлакат таянчини ташкил қилишган. Шунга қарамай, европалик мамлуклар ҳам бўлган. Улар ҳам бошқа мамлуклар каби туркий тилда мулоқот қилиб, ислом фанларидан таълим олган.

Баъзи ғарб тадқиқотчиларининг тарихни ҳар томонга йўрғалатиб, аҳл аз-зимманинг ҳуқуқлари поймол этилган, деб ёзган мақола ва монографияларига араб тадқиқотчиларининг раддиялари асосли ҳисобланади. Яҳудийлар сарой табиблари, таржимон каби соҳаларда, шунингдек, девон ва зарбхонани бошқарув лавозимларини эгаллаган. Мамлуклар ҳукмронлиги даврида яҳудий ва христианларнинг турмуш тарзи яхши бўлган. Камдан-кам истиснолардан ташқари, бу сулолаларнинг ҳукмдорлари диний бағрикенглиги билан ажралиб турган.

Бу даврда мусулмонлар билан бир қаторда яхудий, христиан ва бошқа дин вакиллари ёнма-ён яшаган. Уларнинг ўз суд тизими бўлган. Жон бошидан олинадиган солиқни ишлари билан дивон ал-жаволи шуғулланиб, унинг хизматчиси – нозир ал-жаволи христиан ва яхудий амалдорларидан ҳам иборат бўлган. Бу эса, ҳамма дин вакиллари ўз динига этикод қилган ҳолда, бағрикенглик тамойилида яшаганини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ayalon D. Regarding Population Estimates in the Countries of Medieval Islam.// Journal of the Economic and Social History of the Orient 28, 1985. – P.2
2. Ashtor. E. Prolegomena to the Medieval History of Oriental Jewry. The Jewish Quarterly Review. 1959. Vol. 50 (No. 2). Pp. 147-166.
3. Ashtor E. Toldot ha-Yahudim be-Mitsraim we-be-Suriyah: tahta Shilton ha-Mamlukim [The History of Jews in Egypt and Syria under Mamluk Sultanate (in Hebrew)]. Yerushalem: Karmel, 2022. 3 vols. 21.
4. Ваққод, Маҳосин Мухаммад. Ат-Табақот аш-ша‘бия фи-л-Қоҳира ал-мамлукия. –Қоҳира: Ал-ҳай‘а ал-мисрия, 1999. – Б. 82-83.
5. Goitein S. D. Mediterranean Society, Volume I: The Jewish Communities of the Arab World as Portrayed in the Documents of the Cairo. University of California Press, 1999 – P. 38.
6. Ибн Ййос, Мухаммад ибн Аҳмад. Китоб тарих Миср ал-машхур би бадой‘и аз-зухур фи виқо‘и ад-духур. 10 жилдлик.(Ж.3) – Қоҳира: Кутуб ал-Ҳай‘а ал-Мисрия, 1982
7. Можид ‘Абд ал-Мун‘им. Нузум давлат салатин ал-мамалик ва русумиҳим фи Миср. – Ж.1. – Қоҳира: Мактабат ал-анжалу ал-мисриййа, 1964-1967. – Б.120
8. Ал-Мақризий, Такий ад-дин. Китоб ал-Маво‘из ва-л и‘тибор би зикр ал-хутат ва-л-осор. Ж.1. –Булок: Кастон виит, 1906-1908. – Б.173.
9. Naarmann U. In the eyes of western travelers: A review article / Mamluk studies review. – Vol.5. – 2001. – P. 11.
10. Popper W. Egypt and Syria under the circassian Sultans, 1382-1468 a.d. Berkeley – Los-Angeles, 1955-1957. – Ж. 15. – Б.102.
11. Schiltberger J.Hans Schiltbergers Reise in die Heidenchaft: Was ein bayerliches Edelmann von 1394 bis 1427 als Gefangener der Türken und Mongolen in Kleinasien, Ägypten, Turkestan, der Krim und dem Kaukasus erlebte. adapted by Rose Grässel. Hamburg, 1947. – P. 87.
12. Семенова Л.А. Крестьянство в мамлюкском государстве в XVв., краткие сообщения. ИВ АН СССР . XXXII, – М., 1958.– Б. 106-107.
13. Хасанов А.А. Система управления и суда в мамлюкском Египте конца XIV начала XVI в. // История и экономика стран Арабского востока и Северной Африки. – М.: Наука, 1975. – Б. 383.
14. Ал-Қалқашандий, Шаҳоб ад-дин Китоб субҳ ал-’А‘ша фи қавонин ал-’инша‘и. Ж.12. – Қоҳира, 1913-1919. – Б-89.